Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 29 sentabr, chorshanba

17 (298) son

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНФЕРЕНЦИЯСИДА



Бугун юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамиятнинг маънавий янгиланишини таъминлаш марказий ўринда турибди. Мамлакатимизда туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳам ўз номига муносиб фаолият юритмоқда. Партиямиз фаоллари томонидан жойларда ташкиллаштирилаётган суҳбат-мулоқотлар, сайловолди учрашувлари, турли хил тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади.

Яқинда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда партия фаоли бўлган Олий Мажлис депутатлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, партиянинг пойтахтимизда жойлашган туман кенгашларидан вакиллар ҳамда партиямиз сафини кенгайтириб, аъзолик билетини олишга шайланиб турган ёшлардан бир гуруҳи қатнашишди.

Тадбир аввалида конференциянинг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Хайринисо Мирзажонова қисқача тушунтириш бериб ўтди ва конференция ишини очиқ деб эълон қилди. Х. Мирзажонова Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

— Партиямизнинг шаҳар Кенгаши Республика партиясининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўсиб-улғайди, партия қурултойлари, пленумлари, Марказий Кенгаш қарорлари ва Кенгашнинг йўл-йўриқларини бажаришга сафдошларимизнинг куч-ғайратларини йўналтирди, —дейди Хайринисо Мирзажонова. — Туман кенгашлари, жойлардаги таянч пунктлари ва фаолларимиз билан ҳамкорликда кенг кўламли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Туман кенгашларимиз ўз туманларида ташаббускор, янгича фикрловчи илғор кишиларни қўллаб-қувватлашда ва улар атрофида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш, меҳнат жамоаларида ва турар жойларда ҳамжиҳатликни сақлаш бўйича аниқ ишлар амалга оширилди. Партия аъзоларининг ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришга доимий эътибор берилмоқда. Ўтган давр мобайнида партия ташкилотларимиз, ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар ва нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бордилар. Режа асосида ўтказилган ҳар бир йиғилишда асосий эътибор халқнинг ишончини оқлаш, ёшлар, хотин-қизлар муаммолари ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига, кексалар, ногиронларга ёрдам қўлини чўзишга қаратилди.

Партия ҳаёти

Дарҳақиқат, ҳисоботда айтиб ўтилганидек, Тошкент шаҳридаги туманларнинг партия кенгашлари томонидан олиб борилган ишлар йилнинг охирида бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларида ўз натижасини кўрсатиши аниқ.

Шу ўринда партиянинг шаҳар Кенгаши аҳолини ва айниқса, унинг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида олиб борган ишларини эслаб ўтгимиз келди. Шайхонтоҳур ва Ҳамза туманларига "Ўқитувчи" нашриёти билан ҳамкорликда янги ўқув йили учун бепул дарсликлар совға қилиниши ҳам хайрли иш бўлди. Ҳозирги кунда шаҳар Кенгаши болалар уйлари ва мактаб-интернатларга оталиқ ёрдамлари, хайрия тадбирларини ўтказиш бўйича алоҳида режага эга. Байрамларда кекса авлод вакилларидан ҳол-аҳвол сўрашни ҳам партия фаоллари ўз бурчлари деб билади. Партия сафига туман кенгашларидан жуда кўплаб талабалар қўшилаётгани ҳам изланиш жараёнларини бошидан кечираётган ЎзМТДПнинг келажагига умид юлдузи бўла олади. Конференцияда сўзга чиққанлар ҳам буни бот-бот таъкидлашди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши тафтиш комиссияси раиси Муқима Абдуллаева сўзга чиқиб, партиянинг туман кенгашларида олиб борилган ишларни ижобий баҳолади.

— Партиямиз ғоялари ва фаолияти хорижлик ватандошларимизни ҳам қизиқтириб қолди, — деди маърузачи ўз сўзида. — Улар "Бу партиянинг номи ҳам гўзал экан, қани энди биз ҳам юртимизда шундай номли партияга аъзо бўлиб, сиёсий жараёнларда қатнашиб, ислоҳотларни амалга ошириш имконига эга бўлсак" дейишди. Сайловолди дастури бўйича ўтказилаётган йиғилишларда ҳам партиямиз илгари сураётган ғояларни тушунтириб, халқ орасига кириб бориш муҳим ўрин тутмоқда. Миллий қадриятларни тиклашга эътибор берилаётгани, шу билан бир қаторда умумжаҳоний илмий-техникавий тараққиётга ўз ҳиссасини қўша оладиган замон кишисини шакллантириш йўлида қилинаётган ишлар ҳам кенг қамровли тадбирларимизда ўз ифодасини топмоқда. Яқинда шаҳримиздаги "Исломобод", "Гулобод" маҳаллаларида ўтказилган йиғинларда қатнашиб, партиямиз илгари сураётган ғоя — Миллий тикланиш ғоясига хайрихоҳлар кўплигини кўрдим.



Шундан сўнг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети декани, юридик фанлари доктори Лола Саидова, Шайхонтоҳур тумани Миллий тикланиш демократик партияси Кенгаши раиси Аҳида Азизовалар сўзга чиқиб жойларда партия кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гапиришди.

Музокаралар учун сўз навбати Тошкент шаҳар Бектемир тумани қозоқ

(Давоми 2-бетда.)

—Шу гулларни бугуноқ биринчи ўқитувчимга олиб бораман,— дейди «Энг яхши ўқитувчи» деган номга сазовор бўлган муаллима Иродахон Ҳамидова.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Байрамингиз муборак, азиз устозлар!

УНУТИБ БЎЛМАЙДИ

Мактаб. Эсласанг кўнглингнинг аллақаерида титроқ сезасан, ўртаниб кетади юрагинг. Билимлар сирхонасига шу даргоҳнинг остонасидан кириб боргансан. Кейин... катталар сафига қўшилдинг... Одмигина, саришта синф хоналар, парта, доска, китоб жавонларигача бирма—бир кўз олдингдан ўтади. Кимнидир соғинганга ўхшайсан, ниманидир қўмсайсан, бирдан юрагинг орзиқиб кетади... Кунларинг шу зайлда ўтаверади, ҳаёт давом этаверади. Аввал ўқишга, кейин ишга кирасан. Ҳар қадамда бир одамнинг нигоҳи сени кузатиб тургандек бўлаверади. Бирор хато қилиб қўйсанг, ўша кўзлардан уяласан, виждонинг қийналади. Ўша одам бир пайтлар айтган гаплар ҳали—ҳануз қулоғинг остидан кетгани йўқ. Қоғоз—қалам билан ишлаш маҳали келганда, ёзаётганингда, китоб ёки газета ўқисанг ҳам эсингга тушаверади ўша одам. Сенга илк бор ҳарф танитган, қўлингдан тутиб ёзишни, эринмасдан ўқишни ўргатган, болалик шўхликларига тўла кунларингга сокин, мулойим овозда ҳаёт дарсларини олиб кирган инсон— ЎҚИТУВЧИ.

Мактабни битирганингга беш йил бўлади...10 йил...20... Бу орада синфдошлар учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Яна мактабга бординг. Биринчи ўқитувчинг нафақага чиқибди, сочлари оқарибди. Серажин юзидан ўша таниш меҳр нури ёғилиб турибди. Устозингга нималардир демоқчи бўласан. Томоғинггача тиқилиб турган бир олам гапни ютиниб айтолмайсан. Нима ҳам дея олардинг. Салом—аликдан кейинги гаплар ҳар бир ютуғингни кузатиб бораётган бир инсонга янада чексиз меҳру муҳаббат уйғотади дилингда. Дунё чиройли кўриниб кетади кўзларингга. Шу одамни бир даста гул билан ҳар байрамда йўқлаб турмаганингдан уяласан, «энди бундай бўлмайди!» деб кўнглингга тугиб қўясан. Яна турмуш ташвишлари ўз домига олади сени. Ўғил—қизинг тепасига «Менинг биринчи ўқитувчим» деган сўзлар битилган суратни кўтариб эшикдан кириб келганида англайсан ниманидир йўқотиб қўйганлигингни. Ўша нимадир яна мактабга олиб боради сени, ўзинг ўқиган мактабга.

1 октябрь—ўқитувчи ва мураббийлар куни. Мактаб ҳовлиси яна гавжум, худди бир пайтлардагидек. Кўзларинг бир одамни излайверади. Ана! Бир зумда юзингга табассум югуради. Кўзлар учрашган лаҳзада меҳр иси ўртадаги бир даста гулнинг ҳидига қоришиб кетади.

МАНСУБА

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Андижон вилояти Ҳонобод шаҳрида партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. 150 дан зиёд киши қатнашган ушбу йиғилишда сайлов жараёнлари ва партиянинг бўлажак Қурултойига тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди.

* * *

Партия ахборот

Хоразм вилоят кенгаши йиғилишида ҳам кенгаш конференциясини ўтказиш, партия Қурултойига тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди.

* * *

Тошкент шаҳрида жойларда партия бўғинлари (ячейкалари) тузишга жиддий эътибор берилянти. Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги «Гулобод», «Камолон», «Янгиобод», «Каттаҳовуз», «Сарҳумдон», «Белтепа» ва бошқа бир неча маҳаллаларда 5 кишидан иборат партия бўғинлари тузилди. Мирзо Улуғбек туманидаги «Мустақиллик», «Оқибат», «Оққўрғон» маҳаллари ва бир неча ўқув жойларида ҳам партиямиз ячейкалари фаолиятга киришдилар.

* * *

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида Олий Мажлис депутатлари Ўлмас Саиджонов, Шарифа Салимовалар туман партия фаоллари, партиямизга хайрихоҳ кишилар билан учрашдилар. 300 дан зиёд киши қатнашган ушбу учрашувда бўлажак сайловлар хусусида қизғин мулоқот бўлди.

ОШКОРА, ХОЛИС, ҚОНУН ДОИРАСИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлар уюшмаси ташаббуси билан янги парламентга сайловларга тайёргарлик жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган ҳуқуқий мавзуда қалам тебратувчи журналистларнинг семинар-тренинги бўлиб ўтди.

Семинарда сўзга чиққанлар сайлов мавзусида ёзаётган журналистнинг ўзи сиёсий ва ҳуқуқий саводли бўлиши, мақолалари холис, қонун ҳужжатларига мувофиқ келадиган тарзда ёзилишини алоҳида уқтиришди. Мавзуни ёритишда кўпроқ ноанъанавий усуллардан фойдаланиш тавсия этилди.

(Ўз мухбиримиз.)

ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ БОШЛАНДИ!

Азиз партиядош, маслакдош дўстлар, сафдошлар!

Шу кунларда икки палатали Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашларига сайловларга тайёргарликнинг қонунларда кўрсатилган календар иш режалари бўйича барча рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этишни қўллаб—қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини тўплашга киришдилар.

«Миллий тикланиш» демократик партиямиз ҳам сайловда қатнашиш, ўз номзодларини кўрсатиш ва демак жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаол, кенг иштирок этиш учун бизни қўлловчи сайловчилар—хайрихох, тарафдор кишилар, партиямиз аъзоларининг 50 минг имзосини йиғиб Марказий сайлов комиссиясига тақдим қилишимиз керак. Имзолар МСК томонидан тасдиқланган махсус имзо варақаларида қайд қилинади.

Имзо варақасида сайловчининг паспорт бўйича фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили (куни, ойи), яшаш жойи манзили, паспорт серияси ва тартиб рақами ва ниҳоят шахсий имзоси ҳамда имзо қўйилган сана кўрсатилади. Имзо варақаси тагида имзо тўплаган масъул шахснинг исми, паспорт серияси рақамлари ёзилади. Партия вилоят кенгашларининг раислари «Сайловчиларнинг имзоларини тасдиқлайман» деган жойга қўл қўядилар.

Биров учун сохта имзо қўйиш қатъиян мумкин эмас. Бундай имзолар варақалардан МСК томонидан аниқланган тақдирда улар бекор қилинади ва бу партиянинг обрўсига ярашмайди.

Имзо варақаларини тўлдиришда қатнашаётган масъул кишиларимиздан варақаларни аниқ, тоза, равшан тўлдирилишида диққат—эътибор қаратишларини сўраймиз. Имзо йиғиш—сайловчиларимиз билан бевосита учрашувлар ҳамдир.

Бундай учрашув пайтларида сайловчиларга имзонинг сиёсий партияни қўллаб—қувватловчи акт эканлигига тўғри, равшан тушунчалар беришингизни сўраймиз.

ЎзМТДП МК сайловга тайёргарлик штаби

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

(Боши 1-бетда)

миллий маданият маркази раиси Убайдулла Сарсенбоевга берилди.

— Яқин кунларда Бектемир туманидаги маҳаллаларда бирин-кетин суҳбат-мулоқотлар, қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтмоқда, — деди У. Сарсенбоев. — Мақсадимиз — ҳар бир оилага кириб бориш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзишдир. "Роҳат", "Мустақиллик" маҳаллаларида ўтказилган йиғилишларда бу масалалар диққат марказида турди.

Миллий тикланиш демократик партияси Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши раиси Дилбар Раҳмонова ҳам туманда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлади. Сўз навбати илғор ёшларга берилди. Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг III босқич талабаси, "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилрабо Жуматова университетда ўқиётган ёшлар ҳақида гапирди.

— Ўзим узоқ Хоразмдан келганман, — деб сўз бошлади у. — Университетимизда жуда кўплаб маданий-маърифий ишлар олиб борилади. Биз ёшларга яхши ўқишимиз учун барча шароитлар яратилган, ҳозирда олийгоҳимиз талабалари 23 дан зиёд хорижий тилни ўрганишмоқда. Ҳар йили улар орасидан грант орқали Хитой, Япония, Жанубий Корея, Миср, Испания, Америка каби давлатларда таҳсил олаётган талабалар талайгина. Университетимиз "Камолот" бошланғич ташкилоти ҳам қатор янги йўналишларда иш олиб бормоқда.

Мен Тошкент шаҳар Кенгашининг ҳисоботи ва тафтиш комиссиясининг маърузаларини эшитиб қуйидагиларни таклиф қилмоқчиман. Пойтахтдаги туманларда партия аъзоларининг кўпроқ маҳаллаларда, мактаб ва олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларга чиқишини ташкил қилиб, янги сайловолди дастурини кенг халқ оммасига етказишда янада фаол бўлишларини истайман. ЎзМТДПнинг Тошкент шаҳар Кенгаши эллик минг овоз йиғишда ҳам ўз салмоқли улушини қўшиши лозим. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатишда ёш номзодлар сонига ҳам эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Бу жараёнларда ҳар бир сайловчининг ўзи сайлов тақдирини ҳал қилишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Партия ҳаёти

ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси, партиянинг ёшлар масалалари бўйича котиби Жаннат Тошматова ҳам партиянинг ёш вакиллари сонини орттиришга эътибор берилиши зарурлиги ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

— Партиянинг "Ёшлар қаноти" ҳам сайловолди жараёнларда одатдагидан кўра фаолроқ иш олиб боришга интилмоқда. Асосий мақсадимиз эса, ёшлар билан яқиндан мулоқотда бўлиш, улар орасида лоқайдлик кайфиятини йўқотиш, сиёсий онгни ўстириш, миллий қадриятларни сақлаб қолиш, шунингдек, замон кишисини тарбиялашдир. Ҳозир ёшларимиз ўртасида замон кишисига айланишнинг бошқача бир талқинлари пайдо бўлмоқда. Уларни иллатлар дунёсидан қутқариш ҳам диққат марказимизда турибди. Ёш авлодни ҳам миллий, ҳам замонавий руҳ муштараклигида тарбиялашда ота-оналарнинг ҳам интеллектуал билимга эга бўлишини таъминлаш лозим. Навоий, Бедил, Мотурудийни яхши билмаган авлоднинг ҳаётида ўн йиллардан кейин оқсоқлик сезилиб қолади. Ҳозир биз режа билан ишласак, келажак эгалари учун мустаҳкам замин яратиладди. ЎзМТДПнинг "Ёшлар қаноти" ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил қилишга ҳам эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Миллий Университетида "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. "Ёш сиёсатчилар", "Ёш юристлар" клублари, "Шоввозлар" театр-студияси иштирокчилари бўлган талабаларимизни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатсак арзийди. Пойтахтимиздаги маҳаллаларда "Оқибат", "Қадрият" рукнлари асосида ўтказилаётган тадбирлар миллий руҳни сақлаб қолишда, ёшларнинг меҳр-оқибатли, ҳунарли бўлишларида хизмат қилмоқда.

Музокаралардан сўнг навбат яна кун тартибидаги масалаларга берилди. Йиғилганлар кун тартибидаги учинчи масала, яъни ЎзМТДПнинг янги сайловолди Дастури (янги таҳрирдаги) лойиҳаси билан танишишди.

Дастур лойиҳаси ҳақида ҳуқуқшунослик фанлари доктори Лола Саидова маъруза қилди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари сайлаб олинди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши тафтиш комиссиясининг янги таркиби ҳам сайлаб олинди. Бундан ташқари конференцияда Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси Тошкент шаҳар Кенгашидан партия қурултойига делегатлар сайлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

— Бугун партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи бўлиб конференция ишини бошлаб бераётгани ҳамда ҳисоботда қилинган ишлар билан кенг қамровли таништирилгани сайловолди жараёнлар аллақачон бошланиб кетганини кўрсатиб турибди, — деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғафуров. — Шуни унутмангки, пойтахтнинг машъали бутун мамлакат бўйлаб кўриниб туради. Ҳозир партиямиз етакчилари баён қилган йўналишларни амалга ошириш сизларнинг фаоллигингизга боғлиқ. Жойларда, маҳаллаларда, туман ва вилоятларда аъзоларимиз қанчалик кўп бўлса, партиямизнинг жамиятга кўрсатадиган таъсир кўлами шунча кенг бўлади. Омманинг партиямизга бўлган ишончи вакилларимизнинг фаоллиги орқали юзага чиқади. 40 мингдан ортиқ аъзоси бўлган партиямиз баъзилар айтганидек, кичик партия эмас. Унинг мавқеи ўзимизнинг ҳаракатимизга боғлиқ, биров четдан қўш қўллаб олиб келиб бермайди. Мақсадларимиз асосида турган миллий тикланиш ғояси 9 йилдан буён яшаб келаётган экан, бундан кейинги даврда ҳам ғоямизнинг бошида турган учта асосий нуқта: Миллий бирлик, қадриятларимизни сақлаб қолиш, замон кишисини тарбиялаш масалалари амалда ўз натижасини топмоғи керак. Сайлов жараёнлари расмий тусга кирди, партиямиз 50 минг сайловчининг қўллаб-қувватловчи имзосини тўплаши зарур. Сайлов ҳуқуқини қозониш учун барчамиз бирдек ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик билан, елкама-елка туриб ишласак, кўзланган мақсадларга, албатта, эришамиз.

Конференция сўнгида ЎзМТДПнинг энг фаол етакчиларига фахрий ёрлиқлар, партияга аъзо бўлиш истагини билдирган бир гуруҳ ёшларга партия гувоҳномалари топширилди.

Партия анжумани кўриб чиқилган маслаҳатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА,
Зумрад ВАҲОБОВА,
"Миллий тикланиш" мухбирлари.



Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган суратлар.

Бу йил — сайловлар йили. Халқимиз бу сиёсий жараёнга катта эътибор ва ишонч билан қараётир. Юртимизнинг турли гўшаларида бўлажак сайловлар юзасидан кўплаб учрашувлар ўтказилмоқда.

Яқинда Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш Демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши фаоллари билан ўтказилган сайловолди учрашуви ҳам жонли мунозаралар, баҳсларга бой тарзда ўтди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олдилар. Юқори ва қуйи палата, яъни қонунчилик палатаси ва сенат ваколати неча йиллиги бўйича берилган саволга партия фаоли, Олий Мажлис депутати Шарифа Салимова жавоб бериб, жумладан шундай деди:

— Қонунчилик ва сенат ваколати беш йил муддатга белгиланган. Сенатда 100 киши фаолият кўрсатиб, шундан 84 нафари сайланади, 16 нафари Президент томонидан тайинланади.

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ҚАНОТИМИЗ

Дарҳақиқат, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партиялар ва бевосита фуқароларга тегишлидир. Республикада бир юз йигирмата округ бўлса, ҳар бир партия Қонунчилик палатаси депутатлигига бир юз йигирмата номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Аммо бу жараёнда қатнашиш учун ҳар бир партия эллик мингдан имзо тўплаши керак.

Учрашувда Олий Мажлис депутатлари орасида аёллар сонининг камлиги, бу кўрсаткич халқаро андозаларга мос келиши учун эл орасида обрў — эътибор қозонган аёллар номзодини ҳам кўрсатиш муҳимлиги айтиб ўтилди. 1994 йили Олий Мажлис депутатларининг 15 нафаригина аёллар эди, холос. 1999 йилда эса, Тошкент вилоятидан тўрт нафар аёл Олий Мажлис депутатлигига сайланган. Қоларверса, республикамиз аҳолисининг қирқ беш фоизини ташкил этувчи ёшлар отряди ҳам катта кучдир. 1999 йилги сайловларда қирқ ёшгача бўлган икки юз қирқ уч нафар номзоднинг 34 таси депутатликка сайланган холос. Демак, ишчан, ғайратли, интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ҳам депутатликка номзодларини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий тикланиш Демократик партиясининг Ўрта Чирчиқ туманидаги сайловолди учрашувида йиғилганлар жуда кўп саволларга жавоб топдилар.

Гулжаҳон МАРДОНОВА.

ХАЛҚ ИЧИДА

Бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Жамиятнинг турли табақаларида партиялар ҳаётига қизиқиш кучаймоқда.

Шу муносабат билан 2004 йил 18 сентябрда Мудофаа Вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби офицерларининг «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлисдаги «Миллий тикланиш» фракцияси раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда партия етакчиларининг маърузалари тингланди. Қизғин ва қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

x x x

20 сентябр куни Ўзбекистондаги сиёсий партиялар раҳбарларининг ЕХҲТ Баҳолаш миссиясининг вакиллари билан учрашувлари бўлди. Унда гап сайлов тўғрисидаги қонунлар ҳамда сиёсий партияларнинг сайловга тайёргарликлари устида борди.

x x x

24 сентябр куни ЎзМТДП Фарғона вилояти кенгаши, Қўқон шаҳар кенгаши ҳамда Данғара туман кенгашлари биргаликда Қўқонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар, мураббийлар, устозлар ҳамда маҳаллалар фаоллари билан бир пиёла чой устида ижодий-бадиий учрашув ўтказдилар. Унда бугунги кунда мактаб ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, ўқитувчиларнинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётдаги қимматли ўрни, уларнинг мавқеини кўтаришдаги вазифалар, бу йўналишда «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз дастуридан келиб чиқиб олиб бораётган ишлар тўғрисида самимий сўз борди.

Анжуманда ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари Иброҳим Ғафуров, Хуршид Дўстмуҳамедов, Раҳматали Жалилов, Бахтиёр Мўминов ҳамда Қўқон ва Данғара тумани етакчилари қатнашиб, устоз ўқитувчилар, заҳматкаш мураббийларни байрам билан чин дилдан қутладилар.

Ўз мухбиримиз

Қонун барчага баробар

ХУФЁНА ИШЛАР СИРИ

Солиқларни тўлашдан бош тортиш, қочишнинг мумкин бўлган йўллари ва механизмларни, яширин иқтисодиётни шакллантириш ҳаракатларини аниқлашга йўналтирилган тезкор таҳлил самара бераётир. Ноқонуний ҳаракатлар фош этилаётир. Шу йилнинг олти ойида вилоят бўйича иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид қонунбузарликлар юзасидан 145 та жиноят ишлари қўзғатилди. Хуфёна иқтисодий фаолият ва жамият манфаатларига зарарлар етказилишига қарши кураш натижа бераётир. Хуфёна иқтисодиётнинг асосий кўринишларидан бири — яширин цехлар орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йилда вилоятда 22 та яширин ишлаб чиқариш цехлари фаолияти фош этилди. Албатта, яширин цехларни фош этишда тезкор маълумотлар, фуқароларнинг қонунбузарликлар ҳақидаги хабарларининг фаоллашуви доимо қўл келган.

Қўлбола мойжувозда тайёрланган сифатсиз, таркибида инсон саломатлигига зарар етказувчи заҳарли моддалари бор ўсимлик ёғларини истеъмол қилмаслик тўғрисида жуда кўп марта ёзилган. Аммо, қўлбола мойжувозларда шундай ёғлар ишлаб чиқариш ва шунақа зарарли маҳсулотларни сотиб олиб истеъмол қилиш давом этаётгани ташвишли. Нафс инсон ортидан эргашиб юрувчи балойи азим. Одамларни ташвишга солаётган қайси иллат бўлмасин, унинг ортида нафс балоси. Нафсни қондириб, уни жиловлаб бўладими? Жуда қийинга ўхшайди. Нафс қасри қанчалик баланд қурилмасин, эгасига паст кўринаверади чоғи. Нафс етаклаган манзил бекати эса устидан жиноят иши қўзғалиб, озодлигидан маҳрум этилганларга ойдек аён бўлаётир.

Фуқаро Б. Раҳматуллаевнинг ҳам хуфёна ишларининг чоки сўкилди. У ўз хонадонида яширин мойжувоз цехида маҳсулот ишлаб чиқаргани учун устидан жиноят иши қўзғатилди. Уйидан икки тонна-ю, етти юз килограмм чигит чиқди. У пахта ёғи ва кунжара ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Энг ажабланарлиси хомашё — чигит уруғлик экан. Ўзингизга маълум, уруғлик чигити дориланган бўлади. «Тадбиркор»нинг виждони, иймони борми ўзи, ахир заҳарли моддалар билан ишлов берилган чигитдан чиққан пахта ёғини одамлар истеъмол қилиб алал-оқибатда касалманд бўлиб қолиши аниқ-ку. Шу йўл билан топган даромадидан бола-чақа боққандан кўра...

Нақд пул муомаласи тартиби ҳам тез-тез бузилаётир. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳар доим ҳам касса машиналари ишлатилмаётир. Савдо тушуми ўз вақтида банкка топширилмаётир. Тез нақд пулга айланувчи истеъмол товарларини сотаётганларнинг айримлари маблағларини банк муассасаларига топшириш талабини бажаришмаётир. ЎзДЭУ автомашиналарини олиб сотиш билан шуғулланган диллерлар вилоятдаги бир нечта банк муассасаларининг масъул шахслари билан жиноий тил бириктириб 361 миллион сўмдан ортиқ тушумни банкка топширмаган.

Наманган шаҳридаги «Элдорбек — 2000» хусусий фирмаси бошлиғи М. Мамажонов 2004 йилнинг 24 апрелидан 17 июнига қадар «Наманганшароб» улгуржи савдо базасидан 105 миллион 550 минг сўмлик спиртли ичимликларни олиб сотган. Шу ичимликларни сотишдан тушган 104 миллион 755 минг 400 сўм нақд пулни назорат касса машинасига кирим қилмаган ва банкка топширмаган.

Алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш ҳоллари, афсуски, учраб турибди. Спиртли ичимликларнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ 12 та, тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 10 та жиноят иши қўзғатилиб миллионлаб сўмлик шубҳали маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди.

Алкоголли маҳсулотларни сотиш учун рухсат гувоҳномасини қалбакилаштиргани ҳолда «Шаробсавдо» улгуржи базаларидан пул кўчириш йўли билан спиртли ичимликларни олиб, уларни нақд пулга сотиш орқали ташкилотлар ҳисоб рақамидаги пулларни нақдлаштириш билан шуғулланган фирмалар сири фош этилди. Алкоголли маҳсулотларни сотиш орқали 219 миллион 884 минг 600 сўмни нақдлаштирган тўртта хўжалик юритувчи субъект фаолиятига барҳам берилди.

Шу жумладан, чет элда ишлаб чиқарилган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини контрабанда йўллари билан олиб кириш ва муомалага киритиш билан боғлиқ 10 та жиноят иши қўзғатилди. 1 миллион 614 минг сўмдан ортиқ контрабанда маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Яширин цех орқали спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва бу цехни хом ашё билан завод орқали таъминловчи манбаа «фаолияти» очиб ташланди. Вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотга асосланиб ўтказилган тадбирда Наманган тумани Ирвадон Қишлоқ фуқаролар йиғини Ровустон қишлоғи Б. Жабборов кўчаси 58 уйда яшовчи Сиддиқжон Худойбердиев ўз хонадонида қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлаш билан шуғулланаётгани аниқланди. Унинг уйида турли ўлчамдаги пластмасса идишларда 500 литрдан зиёд, ҳар литри 450 сўмдан 225 минг сўмлик вино маҳсулотлари бўлган. Уларни қадоқлаш учун мўлжалланган 700 дона ярим литрли шиша идишлар, «Портвейн» виноси ёрлиқлари, қопқоқлар, вино қуйиш учун мўлжалланган мосламалар сотиш мақсадида тайёрлаб-қадоқлаб қўйилган винолар яширин цехдан ашёвий далил сифатида олинди.

Хўш, вино тайёрлаш учун хом ашё қаердан олинган?

Сиддиқжон Худойбердиев «Янгиқўрғон мева ва узумни қайта ишлаш» очиқ турдаги акционерлик жамиятида таъминотчи бўлиб ишлаб келган. Акциядорлик жамиятида ўтказилган текшириш кўп жиноий ишларга ойдинлик киритди.

Жамият хазиначиси Турдиали Абдурахмонов жавобгарлигидаги 58 минг дона 284,2 минг сўмлик аксиз маркалари «ғойиб» бўлганди. Қуюв цехи бошлиғи Зокиржон Атабоев жавобгарлигидаги 73 минг 247 дона 329,6 минг сўмлик «Портвейн» виноси ёрлиқлари, 19 минг 219 дона 134,5 минг сўмлик пластмасса қопқоқлар, 148 минг 252 дона 17 миллион 48 минг сўмлик шиша идишлар «Ўзбекистон портвейни» номли 94 минг 73 дона 27 миллион 363,9 минг сўмлик вино ичимликлари, 22 минг 940 дона 112,4 минг сўмлик акциз маркалар, жаъми 62 миллион 280,9 минг сўмлик камомад борлиги сири очилиб қолди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Айбдорлар терговчи ҳузурида камомад сирларини айтиб, кўргазма беришаётир.

Республика ҳудудига чет эллардан ноқонуний йўллар билан товарлар олиб келинишини, истеъмол бозорини очиб ташлади. У савдосотиқ билан шуғулланиб келган ҳолда Тошкент шаҳридаги «Карвонбозор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз, сифат сертификатларига эга бўлмаган 17 турдаги 2 миллион 154,9 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган товарларни қайта сотиш мақсадида фуқаро Рустам Жўраев бошқарувидаги 16В 05 93 давлат рақамли «КаМАЗ 5320» русумли автомашинасида олиб келаётганда қармоққа илинди. Маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди, айбдорга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Наманган шаҳридаги «Испархон» савдо марказида жойлашган хусусий тадбиркор Бахриддин Мадраҳимов ўзига қарашли савдо шахобчасида харидорга «SHARP» русумли телевизор ва видеомагнитофонни 720 минг сўмга сотишга келишиб харидордан ҳар 100 АҚШ долларини 101 минг сўмдан ҳисоблаб 700 АҚШ доллари ва 13 минг сўм олиб, тушум пулларни назорат касса машинасига кирим қилмаган. Б. Мадраҳимовга нисбатан қонунга ҳилоф равишда кўп миқдордаги валюта қийматликларини муомалага киритгани ва савдо қоидаларини кўп миқдордаги қийматда бузганлиги учун жиноят кодексининг 177 моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Кимки ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб, турли йўллар билан моддий бойликларни талон-тарож қилса, қинғир иши фош этилаверади. «Гулбоғ» ширкат хўжалиги раиси вазифасида ишлаб келаётган Баходир Ҳакимов 2002 йил ноябр-декабр ойларида ўзлари томонидан иссиқ овқат учун сарф қилинган 1 миллион 85 минг сўмлик маҳсулотларни ширкат омборчиси орқали марказий устахона омборига чиқим қилдирган.

Бундан ташқари раис ширкат хўжалиги балансидаги нархи 1 миллион 208 минг 772 сўм бўлган Т — 25 тракторининг нархини сунъий равишда пасайтириб, 260 минг сўмга «Дилмўрод» фермер хўжалиги орқали Наманган давлат университети декани Маҳамаджон Мўминовга сотиб, хўжаликка 948 минг 772 сўм зарар етказган. Б. Ҳакимов ўзи ва меҳмонлари ширкат чорва фермасидан 13 бош қўй, бир бош мол сўйдириб умумий баҳоси 961,9 минг сўмлик гўшт маҳсулотларини еб-ичиб юборишади. Қинғирликларини яшириш учун ноқонуний харажатга чиқариб, ширкат хўжалигига 961,9 минг сўм зарар келтиради. Раисга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Солиқ тўловчилар ўз ихтиёрлари билан қонунга амал қилса айни муддао бўларди. Хуфёна иқтисодиёт илдизларига барҳам берилсагина, тадбиркорларга ҳам кенг йўл очилишини уларнинг ўзи онгли равишда ҳис қилмоғи лозим. Ахир фарзандларимизга қонунларга амал қилиш хислатларини мерос қилиб қолдирмасак, барибир оқибати хунук бўлади. Минг яширилмасин, барибир хуфёна ишларнинг «сир»лари фош этилаверади.

Баходир ЗИЛЯЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

ФАРҒОНАЧА СУҒУРТАЛАШ

Суғурта фаолияти суғурта бадаллари (муко-фотлар) ҳисобига махсус заҳира фондлар барпо қилиш ва ундан табиий офатлар ҳамда нохуш ҳолатлар натижасида кўрилган зарарни қоплаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга суғурта хизматини кўрсатувчи мамлакатимизда ягона бўлган «Ўзагросуғурта» ДАСК нинг бугунги кунда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг амалга оширилишида муносиб ўрни бор, десак ҳеч муболаға бўлмайди .

Бу борада бугун Фарғона вилоятида ҳам талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Компаниянинг Фарғона вилоят бўлими мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон-фермер хўжаликларини ҳамда қишлоқ аҳолисини ҳар томонлама суғуртавий йўл билан ҳимоялаб, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Компания қайта ташкил этилгандан буён етти йил давомида қишлоқ хўжалигига узвий боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фолият олиб бормоқда.Жумладан, Давлат эхтиёжи учун ер-казилаётган пахта ва ғалла ҳосилига буюртмачи сифатида фаолият кўрсатаётган тайёрлов ташкилотлари бўлмиш «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари билан доимо узвий алоқада.

Ҳозирда компания «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси билан ҳамкорликда вилоятга келтирилган 658 та қишлоқ хўжалик техникаси 5 миллиард 623 миллион 297 минг сўмлик суғурта жавобгарлиги эвазига тўлиқ суғуртавий ҳимоялаган.

Суғурта бўлимлари томонидан тузилган шартномалар бўйича олинган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши, табиий офатлар ёки бошқа кутилмаган офатлар рўй берганда кўрилган зарарни батафсил ўрганиб, тегишли хужжатларнинг вақтида расмийлаштирилиши натижасида компанияга бўлган ишонч тобора ортиб мижозлар сони кундан-кун кўпайиб бормоқда. Бу эса, компаниянинг нуфузини ошириш билан бир қаторда даромад манбаларининг ўсишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биргина жорий йилда компания Охунбобоев туманидаги Охунбобоев ширкат хўжалиги лизинг асосида олган қишлоқ хўжалик техникаси автотранспорт ҳодисаси натижасида шикастлангани учун 1 миллион 895 минг 800 сўм,ўтган йили табиий офатлар натижасида пахтадан кам ҳосил олганлиги учун Қува туманидаги М. Шербўтаев номли ширкат хўжалигига 2 миллион 734 минг 400 сўм, Ўзбекистон туманидаги Азизов номли ширкат хўжалигига 1 миллион 492 минг 400 сўм миқдорида суғурта зарар пуллари берилган. Охунбобоев туманидаги «Таввакалхожи» фермер хўжалигига эса, 1миллион 262 минг 200 сўм, Боғдод туманидаги «Равшан» фермер хўжалигига 1 миллион 544 минг 700 сўм, Риштон туманидаги «Бахт» фермер хўжалигига 1 миллион 558минг 100 сўм, «Дилмурод хожи» фермер хўжалигига 3 миллион 139 минг100 сўм, «Ўзбекистон» хўжалигидаги «Қалдирғоч» фермер хўжалигига 1 миллион 522 минг 100 сўм , Ёзёвон туманидаги «Тўхлибува» фермер хўжалигига 846 минг 800 сўм, «Фар субҳидам» фермер хўжалигига 1 миллион 803 минг 600 сўм, Фурқат туманидаги «Намуна» фермер хўжалигига 435 минг сўм ҳамда 2003 йил буғдойдан кам ҳосил олгани учун Сўх туманидаги «Мефтахунайим» фермер хўжалигига 794 минг 600 сўм ва «Шимолий боғдод» фермер хўжалигига 1 миллион 457минг 500 сўм суғурта зарар пуллари ўз вақтида тўлаб берилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Афсуски ,аксарият хўжалик раҳбарлари суғурта шартномаларига мувофиқ ҳисобланган суғурта бадалларини тўламасликлари ёки маблағ йўқлигини рўкач қилиб ҳар хил баҳоналар излаши натижасида шартномалар кучга кирмай қолиб, давлат валютаси ҳисобига келтирилган қишлоқ хўжалик техникалари суғурта ҳимоясисиз қолмоқда.

Жорий йилнинг бошида мавжуд қишлоқ хўжалик корхоналари билан чигитни қайта экиш, пахта ва ғалла ҳосили бўйича 100 фоиз , деҳқон- фермер хўжаликлари билан эса, 80 фоиздан ортиғи билан суғурта шарномалари тузилишига эришилди.

Компанияда анъанага айланиб қолган яна бир тадбирлардан бири ҳар йили мавсум бошида қишлоқ хўжалик корхоналари ва деҳқон-фермер хўжаликларининг раҳбарлари билан ўқув семинарларида суғуртага оид тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда компания ҳақидаги янгиликлар ва унинг рамзи туширилган билдиришномалар, китобчалар, календарлар орқали суғурталашни кенг тарғиб қилишни ташкил этишдир.

Суғуртанинг моҳияти ва афзаллиги борасида тарғибот- ташвиқот ишларини амалга оширишда вилоят телерадио компанияси томонидан турли хил реклама роликлари ташкил қилиниши, матбуотда мунтазам равишда компания ишларининг ёритиб борилиши ҳам хўжаликларнинг суғуртага бўлган талабини ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Биз компания раҳбари Азимжон ака Аҳмадалиев билан суҳбатлашар эканмиз, у кишининг ўз касбига бўлган меҳри беқиёс эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

— Тўғриси, суягим шу соҳада қотди. Нимага эришган бўлсам шу соҳа туфайли эришдим, — дейди А.Аҳмадалиев. — Деҳқон уруғни ерга қадаган кундан тортиб,



то ҳосилни йиғиб, ерни ҳайдамагунча ташвишни тенг тортамиз.Деҳқоннинг мол- мулки, ҳосили йил бўйи зарар кўрмаса, биз доим хурсандмиз.Деҳқон билан ният, мақсадларимиз доимо муштарак. Суғурта фаолиятисиз ҳаётимни тассавур қила олмайман. Касбим- менинг ғурурим. Одамларга нафим тегмаган кун мен учун беҳуда ўтгандек туюлади.Одамлар қалбида узоқ яшасам дейман.

Биз фарғоналик фахрий суғуртачилар билан учрашганимизда улар ҳам бугун Азимжон акадан жуда миннатдор эканликларини айтиб ўтдилар. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан фахрийларнинг саломатликларини тиклаш мақсадида маданий дам олишни ташкил этиб, савобли ишга қўл урилибди. Водил қишлоғида жойлашган сўлим даволаниш ҳамда дам олиш масканида 10 кун давомида дам олиб, даволаниб қайтган фахрийларнинг қалблари шодликка тўлган.

Бешариқ тумани фахрийлари номидан Ўзагросуғурта компаниясига ёзилган миннатдорчилик хати ҳам сўзимизга яққол мисол бўла олади.Ҳа, бугун компания томонидан талай эзгу, ҳайрли ишлар амалга ошириб келмоқда.

Дарҳақиқат, «Ўзагросуғурта» компанияси бугун ўзига хос бўлган ривожланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Деҳқоннинг оғирини енгил қилишдек шарафли ва масъулиятли касб эгаларига эзгу ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Муҳаммад Сиддиқ РАҲМАТОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.



ФЕРМЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

Пахта увол бўлди, бунга ким жавоб беради?

— Ҳаммаси Т. Бобоев номли ширкат хўжалигининг собиқ раиси Ҳ. Абдуллаевнинг «Фермер хўжалигингиз ҳисобидан хизматда фойдаланиш учун «Волга» автомашинаси олиб берсангиз, хўжалик техникалари билан сизга хизмат кўрсатиб қарзни узиб юборамиз» деган таклифига рад жавобини берганимдан сўнг бошланди, — дейди Фарғона вилояти Охунбобоев тумани «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги бошлиғи Абдуманноб Қосимов. — Ахир ихтиёримда бир эмас тўртта техникам бор, хўжаликдан техника олиб ишлатишга ҳеч қандай ҳожат йўқ-ку. Шу-шу бўлди-ю раис тўнини тескари кийиб олди...

Аввало, «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги ҳақида гапирсак. Фермер хўжалиги 2001 йилда ташкил қилинган. Унга Т. Бобоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 33,3 гектар ер майдони ажратилган. Фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлишига қарамай пахта, ғалла ҳам етиштиради. Фермер хўжалиги ҳар йили пахта, ғалла, гўшт ва сут етиштириш режаларини ортиғи билан уддалаб келаётир. Бугунга келиб фермер ихтиёрида 53 та қорамол, 200 та қўй-эчки, 60 та наслдор отлар бор. Сурункасига икки йил президент танлови — «Ташаббус» кўрик танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб номи бутун вилоятга танилган. Иқтисоди йил сайин мўътадил ривожланиб бораётир. Чорва моллари бош сони ҳам йил сайин ортаётир.

Шу ўринда фермер хўжалиги бошлиғи Абдуманноб Қосимовнинг саҳовати ва ҳиммати ҳақида алоҳида гапириш жоиздир. У ўз номини саҳийлик, муҳтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш билан машҳур қилди.

Янги ташкил этилган йилиёқ «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги пахта тайёрлаш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажариб, Марғилон шаҳри ва Охунбобоев туманида истиқомат қилувчи 42 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари учун суннат тўйи қилиб берди. Уларга бир қатор уст-бош совға қилди. Ҳар бир тўйбола номига омонат дафтарчаси очиб уч минг сўмдан маблағ қўйди. «Тошлоқ тепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи 140 та оилага беш килограммдан гуруч тарқатди. 2002 йилда эса 100 дан ортиқ қарияларга байрам дастурхони ёзиб, уларнинг ҳар бирига 50 килограммдан буғдой тортиқ этди. Юздан ортиқ фуқароларга эса икки килограммдан гўшт берди. 2003 йили эса, 150 дан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига беш килограммдан гуруч ҳадя этди. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги 24-ўрта мактабни таъмирлаш учун бўёқ, цемент, оҳак ва бошқа қурилиш материаллари олиб берди. Марғилон шаҳридаги ногиронларга 5000 килограмм гуруч хайрия қилди. Юзлаб меҳрга муҳтож оилалар мамнун бўлишди. Туман марказидаги «Бахт уйи» биноси қурилиши учун 300 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Хуллас, Абдуманноб Қосимов бошлиқ фермер хўжалигининг саҳоватли ишларини санаб саноғига етиб бўлмайди.

Фермер наслли отлар етиштиришга астойдил бел боғлаган. Туманда от спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Йигирма нафар ёшлардан ботир ва чапдаст чавандозлар етишиб чиқишига ва улар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳонга номдор спортчилар бўлиб танилиши учун ҳаракат қилаётир. Кўриниб турибдики, Абдуманноб Қосимов нафақат вилоятда, мамлакатда ҳам номини илғорлар қаторида тилга олса арзийдиган фермерлар сирасига киради.

Шундай бўлса-да, мазкур фермер хўжалиги тазйиқ ва муаммолар гирдобида қолди. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалигини, чорвачиликни янада ривожлантириш учун ер етишмаётир. Қорамолларнинг шартли бош сонига мос келадиган ер билан таъминланмаган. Чунки, белгиланган меъёрга кўра фермер хўжалиги чорва молларига ем-хашак етиштириш учун қўшимча 10 гектар ер майдони зарур. Чорвачиликни ривожлантириш ва фермер хўжалигини кенгайтириш учун қўшимча ер ажратиш ҳақида икки йилдирки Т. Бобоев номли ширкат хўжалиги раисига, туман ҳокимига бир неча марта мурожаат қилади. Раис тўнини тескари кийган бўлса, ҳоким тил учида «ёрдам бераман, ер ажратамиз» дейди-да, гапининг устида турмайди. Чунки, катта бир йиғилишда «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги бошлиғи А. Қосимов туман ҳокими Карим Қўчқоровнинг фермерларга «муносабати»ни очиқчасига танқид қилган. Танқид кимга ҳам ёқади, дейсиз?

Деҳқончилик — буюк синоат. Уддабурон фермер ҳар қарич ердан қандай фойдаланишни, қаерга нима экишни яхши билади. Чорвачиликнинг ҳам шундай сир-асрорлари, машаққатлари бор. Энг қобилиятли, идрокли деҳқонларга ер бермай уларни сарсон қилаётган раислару, ҳоким нима истайди? Деҳқонларга муносабат шундай бўлгани учун ҳам хўжалик ва туманда пахта тайёрлаш режалари мунтазам бажарилмаётир. Ўтган йили туманда пахта режаси бор йўғи 53 фоизда қолиб кетди. Ҳар гектар майдондан 14 центнердан ҳосил олинди холос. Очиғини айтар бўлсак, туманда қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши қониқарли, деб бўлмайди. Барчамизни боқадиган талантли фермеру деҳқонларга муносиб шароит яратиб бериш, меҳнатини ўз вақтида одилона баҳолаш ўрнига уларнинг йўлига тўғаноқ бўлинса, туманда аҳвол ўзгаради, деб ким айта олади? Гектаридан ўн тўрт, ўн беш центнердан пахта олиб ернинг ҳам, деҳқоннинг ҳам умрини бекор ўтказаётган туман раҳбари қишлоқ аҳолисининг эртанги куни қандай бўлишини биладими?

Ердан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласида туманнинг айрим хўжаликларида масъулиятсизлик, қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилаётир. Юзлаб гектар ерлар уқувсиз кишиларга берилгани оқибатида фойдаланилмай ётибди. Ишлайман деган фермер эса ер ололмайди. Ерга бўлган хўжасизларча муносабат қачонгача давом этади?

Шу йилнинг бошида Т. Бобоев номли ширкат хўжалигидаги бедапоя бузиб ташланадиган бўлади. «Олимбойҳожи» фермер хўжалиги бошлиғи бедапояни ўз ихтиёрига олиб, ўрнига ўзига қарашли 10 гектар ерга пахта экиб етиштириб бериш таклифи билан чиқади. Бу таклиф икки томонга ҳам маъқул бўлади. Ширкат хўжалиги раҳбари фермер хўжалигига пахта экиш учун расман рухсат этади ва 700 килограмм уруғлик чигит ажратади. Ўша пайтда ширкат хўжалиги раиси Ҳ. Абдуллаев эди. Шу орада хизмат автомашинаси воқеаси бўлади-да, ўзаро муносабатлар совуқлашади.

Фермер ўз ҳисобидан 10 гектар майдонда пахта етиштириш учун 10 тонна мачавина, 6 тонна суперфосфат ишлатади. Олти марта ғўза ораларига ишлов беради, уч марта чопади. Суғоради, ягана, ўтоқ, чеканка қилади. Уч марта кўсак қурти ва ширага қарши химикатлар билан ишлов беради. Бу харажатларни фермер ўз ёнидан сарфлайди. Пахта пишиб етгунга қадар фермер А.Қосимов жуда кўп маротаба ҳокимга, хўжалик раҳбарига мурожаат қилади. Негаки пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича контрактация шартномасига имзо қўйишни хўжаликнинг янги раиси А. Ёдгоралиев пайсалга солиб келаётганди. Мутахассисларнинг хулосасига кўра 26 августдаёқ фермер хўжалиги пахта даласида етарли ҳосил тўплангани ва кўсак қурти, шира билан зарарланмагани учун зудлик билан теримга тушиш тавсия этилади. Аммо фермер шартнома имзоланмагани боис пахтасини қаерга топширишни билмай, теримни бошлай олмайди. Бу орада фермер деярли ҳар куни ҳокимиятга боради, ҳокимга учрайди, ёрдам сўрайди, аммо ҳокимнинг эса парвойи палак. Агар теримни тез фурсатда бошламаса, ҳосил чўғи камайиб, сифати бузилиши ҳақида ёзиб ҳокимга топширади. Жорий йилнинг 11 сентябрида ширкат хўжалигида туман прокурори иштирокида ўтказилган йиғилишда фермер ёрдам сўрайди. Шунда ҳам хўжалик раиси шартномани имзолашни пайсалга солиб юраверади. Фермер теримни бошлай олмайди. Пахта даласидаги ҳосил чўғидан путур кетади. Шира тушиб сифати бузилади. Шунда А. Қосимов туман прокурори О. Холматовга ёзма равишда ариза олиб боради. Ахир пахта увол бўлаётганди. Оқибатда фермер миллионлаб зарар кўраётганди. Прокурорнинг аралашуви билан шу куни — 16 сентябрда шартнома имзоланади. Терим бошланади. Аммо фурсат бой берилганди. Энг юқори навга сотиш мумкин ва аниқ бўлган пахта хом ашёси вақтида териб олинмагани оқибатида шира босиб, жуда паст навли пахтага айланади.

— Ҳоким ва хўжалик раиси атайлаб, қасддан менга зарар етказишди, — дейди А. Қосимов. — Шунча изтироб чекдим, асабларим қақшади, йил бўйи фермер хўжалигим аъзолари қилган меҳнатлари кўкка совурилди. Тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига зарарни ундириш учун мурожаат қиламан.

Ҳа, туман ерларида пахта етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Тинимсиз машаққатлар ва катта харажатлар ҳисобига етиштирилган пахта ҳосили ҳоким ва хўжалик раисининг масъулиятсизлиги эвазига ўз сифати ва хусусиятини йўқотади-ку! Майли, улар фермерга ачинмасин лекин оппоқ пахта увол бўлди-ку, виждонлари бу ҳолни кўриб қандай чидаганига ҳайронсан киши. 28 тонна уруғлик ва юқори сифатли пахта етиштираман, деган фермернинг орзулари сароб бўлди-ку!

— Ахир ҳукуматимиз раҳбарлари пахта етиштиришга бу йил ҳар йилдагидан кўра кўпроқ эътибор қаратиб, деҳқонга яхшироқ шароит яратиб бериш сиёсатини юргазиб турган бир пайтда ҳоким ва раиси тайёр пахтани териб олиш чораларини кўрмаса, фермерга тазйиқ ўтказса, буни қандай баҳолаш мумкин?

Фермернинг икки йилдан бери қўшимча ер ажратиш ҳақидаги аризаларини эътиборсиз қолдираётган ҳоким ва хўжалик раисига янги баҳона ҳам тайёр. Энди тартиб ҳам ўзгариб қолди — фермерларга ер тендер танлови орқали ажратилади. Хўжаликда янги фермер хўжаликлари тузиш ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётганларини танлов асосида кенгайтиришни ташкил этувчи комиссия эса ҳали бирор марта танлов ўтказилмади. Хўжаликда иқтисодий ислоҳотлар ўлдажўлда — қолоқлик ботқоғига ботган. Ҳали-ҳамон эски тузумга хос иш юритиш ва бошқарув услубларидан воз кечилмаган. Кейинги уч йилда хўжаликда беш марта раис алмаштирилганининг ўзи ҳам ачинарли. Туман ташкилотлари ва корхоналарида кадрларни тез-тез алмаштириш «анъанага» айланган. Бу усул замирида не сир борлигини ҳеч ким билмайди.

Кўриниб турибдики, туман қишлоқ аҳолисининг кечаги кунини бугунги куни билан солиштирганда ҳеч қандай ижобий ўзгариш сезилмайди. Ахир туман деҳқонларининг ҳам яхшироқ яшашдан умидлари бор-ку?!

Биз туман раҳбари ва хўжалик раисининг фермерларга, қишлоқ хўжалигига бўлаётган муносабатидан бир шингил ёздик, холос. Гап Фарғона вилояти раҳбарларида қолди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири.

Ҳидоят йўли-ҳимоят йўли

КАШФ ЭТИЛГАН ҲАҚИҚАТ

Шаҳримизнинг ёши улуғ отинойиларидан бири билан маросимда ўтирибмиз. Мезбонлар анча тайёргарлик кўришган чоғи дастурхонда жондан бошқаси бор. Отинойи бошқалар қатори ноз-неъматлардан тотинган бўлдилар-да, қўлларига Қуръони каримдан кўчирилган «Ёсин» сураси битилган китобчани олдилар. Издиҳом аҳли сукутда отинойига қулоқ тутди. Ҳа, овозлари ғоят ширали экан, зер-забарини жойига қўйиб, қироат билан, завқ-шавққа тўлиб ўқийдилар. Қироатдан сўнг отинойи ўз тилимизда дуо қилиб бўлгач, меҳмонларни дастурхонга чорладилар.

Маросимнинг асосий қисми-ўқишхонлик тугагани учун меҳмонлар суҳбат мавзуини заминий ташвишларга бурдилар. Ёшгина келин қайнонасидан нолий бошлади, бурчакроқда ўтирган икки аёл янги чиққан матолар таърифини келтиришарди, яна кимдир тилланинг грамми қанча бўлганини суриштирарди, қай бурчакда эса маросимга келмаган аёлларнинг ғийбати авжига минарди.

Уларни аста кузатарканман, ўз гумроҳлигимиздан, нодонлигимиздан ўксиб кетдим. Ҳозиргина Қуръони Каримнинг қалби бўлмиш — «Ёсин» сураси ўқилса-ю, Аллоҳ каломини тинглаган қалблар ҳамон ухласа. Гўё ярим соат муқаддам отинойининг қироатини эшитмагандай, ҳамма ўзи билан ўзи оввора. Наҳот Муқаддас китобимиз суралари нинг қироати шунчалар тез унутилса?! Наҳот отинойининг қироати шамолга учсакетса?! Қалбим даҳшатга тушди.

Меҳмонларда ҳам айб йўқ, чунки улар Каломнинг арабийсини эшитдилар. Мазмунини тушуниб етмадилар, деган хулосага келдим. Отинойига юзланиб, секингина:

— Аяжон, «Ёсин»нинг ўзбекчасини ҳам айтиб бersангиз, илтимос, — дедим. Отинойи кутмаган эканлармми, бироз аччиқ билан:

— Она қизим, Қуръон арабийда тушган, ўзбекчада ўқи, деган жойи йўқ, — дедилар.

Тортишиш адабдан эмас, аммо ичимда ботиний эътирозлар...

Ҳа, тўғри, Қуръонда ўзбекча ўқи, деган жойи йўқ. Лекин Каломнинг 20-сура, 2, 3-оятларида: «(Эй Муҳаммад), Биз сизга бу Қуръонни қийналиб, жафо чекишингиз учун эмас; балки (Аллоҳдан) қўрқадиган кишиларга панд-насиҳат бўлсин учун нозил қилдик», деб уқдирилади-ку. Модомики, Қуръонни ўзбек аёллари эшитишаётган экан, ундаги панд-насиҳатларни ўзбек тилида айтиш гуноҳми? Наҳот бир уй аёл Қуръони Каримнинг қалби бўлган «Ёсин»ни тушуниб, ундан панд-насиҳат, ибрат олиши мумкин бўлмаса?! Анъанавий маросимларда Оллоҳ Каломини арабийда эшитсагу, тугагач, яна одатий ғийбат, иғво давом этаверса... бу тил учидаги ибодат бўлиб қолмайдими? Қуръон — ҳаёт дастури. Шундай экан, оятларни қироат оҳангига маҳлиё бўлиб, қулоқни қувонтириб, шунчаки зарурнинг зўридан эшитиб қўйиш... хато эмасми? Аксинча, Каломни ўз тилимизда маъносини англаб, унда кўрсатилган йўл-йўриқлар асосида яшаш тўғри бўлмасмикин? Мен Қуръони Каримни арабийда ўқиманг, дейиш фикридан йироқман, чунки оятларнинг оҳанги, сўзлар жаранги илоҳий қудратга эга. Лекин, назаримда, ана шу илоҳий қудрат маъно-моҳиятига эътибор бериб, қалбимизга, жонимизга жо қилиш вақти етди. Ахир, ўзбекнинг қалбига Калом маъноси ўзбек тилида, арабнинг қалбига эса арабийда етиши оддий ҳақиқат-ку! Қуръоннинг бирон-бир ҳарфини бузманг, дегани бошқа тилга таржима қилманг, дегани эмас, ахир.

«Зотан Ҳақ Подшоҳ — Аллоҳ (бирон ишни беҳуда қилишдан) юксакдир» дейилади Каломнинг 23-сура, 116-оятида. Қуръоннинг ўзбек тилига ўгирилиши ҳам, Аллоҳнинг амри-рухсати билан бўлган деб санасак, демак, бу иш таржимоннинг унвони ёки ҳурмати ортиши учун эмас, балки, 25 миллионли ўзбек миллати китобни она тилида ўқиб, ўрганиши учун амалга ошгандир. Балки бу Калом таржимаси чаласавод «домлача»ларга эргашиб қолмаслигимиз учун керакдир. Балки, Қуръони Каримнинг 3-сура, 79-оятидаги: «Бирор одам учун Аллоҳ унга Китоб, Ҳикмат ва пайғамбарлик берганидан сўнг, одамларга: «Аллоҳга эмас, менга ибодат қилинглар» дейиши жоиз эмас, балки уларга: «Аллоҳнинг китобини одамларга таълим бериб ва ўзингиз ўқиб-ўрганиб, ёлғиз Парвардигорга ибодат қиладиган кишилар бўлинглар» (демоғи лозимдир)» деган вазифани бажаришимиз осонроқ бўлиши учун Калом биз тушунадиган тилга ўгирилгандир. Беайб Парвардигор, дейдилар. Аллоҳга таваккал қилиб, бир ишни бошласак, унинг якуни бахайр бўлади. Қодири Самовотдан Қуръон сураларини фақат қулоғимизга эмас, жонимиз — руҳимизга жо қилишни ва Калом асосида яшашимизга Ўзи ёр бўлишини сўраб қоламиз.

Ҳаётхон ҚУРБОНОВА,
Фарғона шаҳри.



Қатра

БУЛУТЛАРДАН БАЛАНДГА ЧИҚАМИЗ

Болаликнинг кўзларига ҳамма нарса чиройли кўринади. Унинг кўзлари ҳайратга тўла. Куз келди. Болалик камалакранг дунёни кўриб, ҳаяжонга тўла туйғулар билан яшай бошлади. Боғ четидаги теракзорга бориб, ўй сурди у. Узоқ—узоқ ўйланди болалик. Кейин ёнғоқ дарахтининг ёнига келди. Ўзини ҳислари маъсума опа—сингилларнинг ёнида кўрди у.

— Қара, турналарнинг овозини эшитяпсанми?

— Баҳорда «арқон бўлинглар, гилам бўлинглар...» деб кутиб олгандик—а, уларни?

— Кеча устозимиз Малика опа айтди, улар узоқ ўлкаларга учиб кетишар экан. Баҳорда бизни соғиниб қайтиб келишади.

— Қалдирғочлар ҳам кетиб қолишадими?

— Ҳа, мусичалар биз билан қолади фақат.

— Қаранг, самолёт. Катта бўлсак самолётда учамиз—а? Булутлардан ҳам баландга чиқамиз...

Шу бугун қалби орзуларга лиммо—лим қизалоқлар билан бир умр бирга яшашни ният қилди болалик. Ахир тоза юраклардагина яшашни истайди у.

ЖОНСЎЗ

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат-лавҳа.

Спорт оламида

ЁШЛАРИМИЗ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Шу кунларда Малайзияда ёшлар ўртасида футбол бўйича 34—Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимиз ёшлари ўз гуруҳларида Лаос, Сурия ва Ҳиндистон вакиллари билан куч синашади.

Рауф Инилеев бошчилигида ҳаракат қиладиган ҳамюртларимиз камида ўтган Осиё чемпионатидаги натижани такрорлаб, Жаҳон чемпионатига йўл олишни мақсад қилган. Эсингизда бўлса, 2002 йил Катарда ўтган қитъа чемпионатида тўртинчи ўринни олган футболчилар Жаҳон чемпионатида гранд жамоаларга қарши муносиб ўйин намойиш этган эди. Мақсад йўлида йил бошидан бир неча бор ўқув—машғулот йиғинларини ўтказган ёшларимиз анча уюшқоқлик билан ҳаракат қилишгани ҳаммага маълум. Улар 10 га яқин Европа жамоалари, иккита Осиё вакиллари билан ўртоқлик ўйинларини ташкил этиб, ижобий натижаларни қўлга киритган. Таркибга назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор тажрибали ўйинчилар борлигига гувоҳ бўламиз. Марат Бикмаев, Виталий Денисов каби Россия чемпионати иштирокчилари, Шавкат Саломов, Нодирбек Қўзибоев, Шерзод Каттаев сингари Олий лигамизда муносиб ўринларни эгаллаган маҳорат эгалари ўзларининг нималарга қодирлигини кўрсатиш пайти келган.

Ҳамюртларимиз Малайзияда биринчи ўйинларини ўтказишди. Лаос футболчиларига қарши майдонга тушган футболчиларимиз 5:2 ҳисобида ғалаба қозонишди.

САРДОР ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Ўтган ҳафтада "Манчестер Юнайтед" сардори 33 ёшли Рой Кин устидан икки кунлик суд жараёни бўлиб ўтди. Гап шундаки, ўн олти яшар ўспирин судга даъво аризаси билан мурожаат этган. Унда ёзилишича, Рой Кин уни дўппослаб, жароҳат етказган. Суд залида Кин ҳеч кимга ҳеч қандай ёмонлик қилмаганини ботбот такрорлади. Суд раиси Кинга енгил жазо тайинламоқчи бўлган бир пайтда ўспирин бунга қарши чиқди ва унга катта жарима солинишини ёки қамоққа олинишини талаб қилди.

Суд бу ишни кўриб чиқишни 21 октябрга қолдирди. Кин эса гаров эвазига 20 минг фунт стерлинг тўлаб ўз футболчилик фаолиятини давом эттирмоқда.

АКА УКАНИНГ ҚАСОСИНИ ОЛМОҚЧИ

WBC йўналиши бўйича мутлоқ жаҳон чемпиони Виталий Кличко ўз камарини ҳимоя қилишга кириш—моқда. Бунинг учун у ўзи жанг ўтказиши лозим бўлган рақиблар рўйхатини ҳам тузиб қўйди. Унинг биринчи рақиби Тайсон бўлиши керак эди. Аммо Тайсон сўнгги жангида Уильямсга ютқазиб қўйгандан кейин, Виталий айнан шу боксчига қарши рингга кўтарилмоқчи. Кейинги рақиби Крис Бред бўлиши мумкин.

Виталийнинг энг асосий нияти эса Ламонт Брюстерни нокаутга учратиш эканлигини таъкидлади. Негаки, у Кличколарнинг кичиги Владимирни мағлуб этган. Ака уканинг қасосини тезроқ олишни хоҳламоқда.

КОСТЯ ЦЗЮ ЖАНГГА ТАЙЁР

Ярим ўрта вазн бўйича жаҳон чемпиони Константин Цзю ўзининг навбатдаги жанг олди тайёргарлигини ниҳоясига етказди. Эслатиб ўтамиз, у шу йилнинг 6 ноябрида Шармба Митчеллга қарши рингга кўтарилади.

Костя машғулотларини Канбер спорт маркази залида ўтказди. Боксчининг жисмоний тайёргарлигидан, айниқса, мураббий Жонни Луис жуда миннатдор.

— Шогирдим ҳозир илгаригидан ҳам яхшироқ кўринишга эга, — дейди мураббий. — Энди Митчеллга келадиган бўлсам, у Костядан ўлгудек қўрқади. Билмадим, қайси юрак билан рингга кўтарилмоқчи. Ахир, Костя унинг суякларини синдириб юборади—ку!

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.

Ажаб дунё

Йўлбарсни қутқаришди

Рио-Де-Жанейро маҳаллий зоопаркларидан биридаги Карлито лақабли йўлбарснинг юраги хуруж қилиб қолди. 105 килограмм вазнли йўлбарсга зоопарк бошлиғи сунъий нафас олдирмаганида у аллақачон ўлган бўлар эди.

Зоопарк бошлиғи Роберт Маннининг айтишича, сунъий нафас олдириш ва юрак атрофини массаж қилиш билан қимматли ҳайвонни сақлаб қолган. Ҳаётда шунақаси ҳам бўлиб турар экан.

6 миллион доллар катта пул эмас

Яқинда рок юлдузи Элтон Жон 14 миллион долларга тушди. Бу ишни унинг собиқ «John Reid Enterpises» менежерлик компанияси ва «Princewater House Coopers» молиявий маслаҳат берувчи фирмаси амалга оширган.

Қўшиқчи уларга ўз турнеси вақтида каттагина пул берган. Аслида эса, улар ўз харажатларини ўзи қоплаши зарур эди. Бундан кўнгли қолган Элтон Жон ҳар икки компанияни судга берган. Бироқ суд ишни унинг фойдасига ҳал қилмади. Натижада, қўшиқчи 14 миллион маблағ йўқотди. Бу ҳам етмагандай, суд ишлари учун ҳам қўшимча 6 млн. доллар чегириб қолинди. Фақат бир нарса унга таскин беради, бу унинг учун унча катта маблағ эмас. Дунёнинг энг бадавлат уч мусиқачисидан бири саналмиш Элтон Жон сўнгги бир ярим йил ичида харажатлари учун 45 миллион доллар маблағ сарфлаган.

Янги бош кимга керак?

Александр Беляевнинг «Профессор Доуэлнинг боши» фантастик романини ўқиган бўлсангиз керак. Огайо штатининг Кливленд шаҳрида истиқомат қилувчи профессор Роберт Уайт ҳам шу йўлдан боришга аҳд қилди.

У ўз усулини узоқ вақт мобайнида маккаларда синаб кўрди. Шунда маккажўҳорилардан бири кутилганидан ҳам узоқ яшади. Бундан руҳланиб кетган профессор агар кимга зарур бўлса, бошини текинга алмаштириб беришни эълон қилди. Хуллас, инсоният учун мисли кўрилмаган кашфиётлар эшиги очилаётир. Масалан, файласуфнинг боши тикилган футболчи, матчдан сўнг уйида Кантнинг асарларини бемалол мутолаа қилаверади.

Аммо бир муаммо бор: ўз танасига бошқа бировнинг бошини тикишга рози бўладиган бирон кўнгилли топилармикан?

Бошлиқни кўзидан айирди

Гонконг шаҳрида компьютер техникаси дўконидаги ишчи Ко Минг Чу 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. У ўз бошлиғининг юзига кислота сепиб юборишда айбланди.

Гап шундаки, раҳбар Минг Чуни ишдан бўшатиб юборган, у эса қанча уринмасин, янги иш топа олмаган. Жаҳли чиққан Минг Чу собиқ бошлиғидан қасд олишга аҳд қилади ва юқоридаги ишни амалга оширади.

Кислота сепилганидан кейингина у даҳшатли тарзда интиқом олганини англади. Суд ҳукмидан қўрққан Минг Чу жонига қасд қилмоқчи бўлиб, ўзини денгизга ташлади. Шу атрофда юрганлар уни қутқариб қолишди.

Дўкон бошқарувчиси эса, шифохонада ётибди. Унинг юзи ва гавдаси қаттиқ куйган. Кўзидан бир умрга жудо бўлган. Минг Чунинг адвокати бу ишни қаттиқ руҳий тушкунлик устида амалга оширган, деб уни оқлади.

Ерда муз қанча?

Олимларнинг айтишича, она заминнинг 11 фоизи, яъни 30 миллион куб/километрини муз қоплаган. Унга Шимолий қутб ҳамда Антарктида музликлари ва айсберглар киради. Агар ўша муз ер бўйлаб ёйилса, у ер сатҳини 60 метр баландга кўтаради. Энг катта музлик Антрактидада топилган, бўйи 5000 метр. Мабодо, музликлар ерни қопласа, иссиқлик 3 баробарга пасаяди. Ернинг ҳарорати эса, ўртача 90 градус. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб музликлар қуруқликни қоплай бошлади. «Бундан кейин музликлар пайдо бўлмайди, бори ҳам эрий бошлайди» дейди олимлар.

Инглизчадан Гавҳар ДИЛМУРОДОВА таржимаси.

Маслаҳатхона

Ухлаш олдидан ёнғоқ истеъмол қилманг! Бу соғлиғингиз учун зарарли.

***

Асал билан ёнғоқни ҳеч қачон биргаликда тановул қилманг. Ёнғоқни қуруқ мевалар (майиз, бодом кабилар) билан еганингиз маъқул.

***

Беҳи уруғини янчиб, истеъмол қилиш юрак хасталигига даво бўлади.

***

Кўзга говмижжа чиқса, эритилган, қўй гўштининг думба ёғидан суртиш лозим. Тез, беозор тузалади ва бошқа чиқмайди.

***

Хом пиёз балғамни кўчиради.

***

Сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришда солинадиган селитра одамни шамоллатиш, совуғини ошириш хусусиятига эга. Буни ҳисобга олинг!

***

Қадим-қадим замонларданоқ табиблар бир қанча хасталикларга дўлана мевасини тавсия этганлар. Юрак-томир хасталиклари, бош айланиши, пешоб тутилиши, томирлар касаллиги ҳамда қувватсизликда дўлананинг шифобахшлик хусусияти катта.

***

Меъда нордонлиги баланд бўлса, уни пасайтириш учун оддий жийда тановул қилиш керак. Паст бўлса, нордонликни кўтариш учун тоғолча меваси фойда беради.

***

Совуқ мижоз одамларнинг истеъмол қилаётган таомларида қўй чарвиси бўлгани маъқул. У шамоллашдан, йўталдан, қувватсизликдан сақлайди.

***

Ёнғоқ, бодом пўчоқларини ҳеч қачон ташлаб юборманг. Улар қайнатиб ичирилса, йўтал қолади. Пўчоқлар айнимайди, чиримайди, қурт тушмайди, бир неча юз йил мобайнида ҳам эскирмай тураверади.

МАНСУБА тўплади.

ОЛХЎРИ- ШИФОБАХШ МЕВА

Қуритилган олхўри тиш касалликларига даво бўлиб, милкларни мустаҳкамлайди. У кўп касалликларга даво деб топилган пиёздан кўра хуштаъм ва ҳидсиздир.

***

Олхўридан тайёрланган шарбат ошқозон кислотасини камайтиради. Гастрит,ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларига шифо бўлади.

***

Олхўри кам қонликни даволашда қўлланиладиган воситалардан биридир. Олхўри меваси-дан кунига 3—4 дона истеъмол қилиш қабзиятга даво ва унинг олдини олади.

***

Олхўри шарбатидан тайёрланган махсус ичимлик йўтални қолдиради.

М. ЖАББОРОВ тайёрлади

Дастурхон кўрки

«Севимли онамга» торти

Масаллиқ: 6 та тухум, 2 стакан шакар, 2 стакан сметана, 3 чой қошиқ какао, 1 стакан майдаланган ёнғоқ мағзи, 1 стакан ивитилган майиз, 1 чой қошиқ сода, 2 стакан ун.

Тайёрлаш: Масаллиқларни аралаштириб, хамир қорилади. Хамирни 2 қисмга бўлиб, 2 та кулча пиширилади.

Креми учун: 350 гр. сариёғ кўпиртирилиб, 1 банка қуюлтирилган сут, 2 ош қошиқ лимон ёки апельсин шарбати, 1 ош қошиқ коньяк қўшилади. Тайёр тортнинг ёни, уст қисми ёнғоқ мағзи, апельсин бўлаклари билан безатилади.

Пайшанба таъбирномаси

Пайшанба куни уйдан уйга кўчмоқ яхши эмас. Шу куни янги кийим бичилса қувончи, шодлиги кўп бўлади. Пайшанбада бошланган ёки шу куни бажарилган иш ҳам баракали, фойдали якун топади.

Пайшанба куни янги кийим кийсангиз иззат, ҳурматли бўласиз. Унутманг, шу куни янги режалар тузиш ҳам яхши.

Юсуф алайҳиссалом таъбирномасидан.

Оҳангарон Далварзин ирригация тизими бошқармаси
қуйидаги туманларда ишлаш учун
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ПИСКЕНТ ТУМАНИДА

К — 700 *трактори ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Ойлик маош 50 минг сўм*

Т — 150 *трактори ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Ойлик маош 50 минг сўм*

Бульдозер *ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Маош ишбай*

ЮМЗ ЭО — 2621 *ҳайдовчиси - 2 та ўрин. Маош ишбай*

Экскаватор *машинисти - 2 та ўрин. Маош ишбай*



БЎКА ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 2 та ўрин. Маош ишбай*

БЕКОБОД ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 1 та ўрин. Маош ишбай*

ОҲАНГАРОН ТУМАНИДА

Экскаватор *машинисти - 1 та ўрин. Маош ишбай*

МАНЗИЛ: Пискент тумани, Тўйчи Полвон кўчаси 1-уй.

Телефонлар: 52-253, 52-806.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлимлар —136-58-80, 136-58-73

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 1030. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00